

2022 йил « 05 » январь

Нурабод

«Ўзбекистон почтаси» АЖ Селекцион филиали номидан,
жамият Устави асосида иш юритувчи директор _____, матнда «Таъминотчи»
деб номланувчи бир томондан ва Нурабод Ахборот-кўрсатувчи маркази
номида А. Новаев (корхона, таъшилот, муассаса, бирлашма, жамият номи)
асосида иш юритувчи _____
матнда «Обуначи» деб номланувчи иккинчи томондан қуйидаги шартномани туздилар:

1. Шартноманинг мазмуни

1.1 «Таъминотчи», «Обуначи»нинг талабига кўра Ўзбекистон Республикаси ва хорижий давлатларда чоп этиладиган, «Таъминотчи»нинг обуна каталогига киритилган даврий нашрларга обуна расмийлаштиради.
1.2 «Таъминотчи», «Обуначи»нинг ҳохишига кўра расмийлаштирилган обуна нашрларини унинг жойлашган манзилига етказиб беради («Обуначи» томонидан белгиланган вакил қабул қилиб олади).

2. Обуна қабул қилиш ва тўловлар шарти

2.1. Даврий нашрлар рўйхати ва умумий баҳоси обуна каталоги асосида белгиланиб, «Обуначи»нинг буюртмасида кўрсатилади.
2.2. Шартноманинг умумий баҳоси 3000000 (Ҳ. БИР МИЛОН) сўм.
2.3. Расмийлаштирилган обуна нашрларининг пули шартнома имзоланган кундан бошлаб _____ кун ичида 100 фоиз миқдорида олдиндан тўланади.

3. Томонлан жавобгарлиги

3.1. «Таъминотчи» нашрларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юборса ёки тўлиқ етказиб бермаси (нашр чоп этилиб, таҳририят томонидан «Таъминотчи»га топширилган кундан бошлаб), «Обуначи»га ҳар бир кечиктирилган кун учун жами етказиб берилмаган нашрлар суммасининг 0,5 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Шунда жариманинг умумий миқдори, ўз муддатида етказиб берилмаган нашрлар суммасининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.
3.2. Нашрлар тўлиқ етказиб берилмаган тақдирда «Обуначи» _____ телефон рақами орқали 24 соат ичида «Таъминотчи»га хабар беради.
3.3. Бирор нашр чоп этилмаган тақдирда, ушбу нашр обунаси расмийлаштирилган вақтда тўланган пули «Обуначи»га қайтариб берилади.
3.4. «Обуначи» тўловларни ўз вақтида тўламаса, ҳар бир кечиктирилган кун учун жами тўланган пулнинг 0,4 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Шунда жариманинг умумий миқдори, ўз муддатида тўланмаган пулнинг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.
3.5. Томонлар ўртасида бирон бир англашилмовчиликлар ёки низолар пайдо бўлган тақдирда, томонлар уларни музокара йўли билан ҳал қиладилар. Шунда умумий ечимга келишнинг имкони бўлмаса, масала суд орқали ҳал этилади.
3.6. Томонлар ихтиёрида бўлмаган (Форс-Мажор) ҳолатлари юзага келгани сабабли шартнома бажарилмаган тақдирда, томонлар жавобгар бўлмайдилар. Бу ҳолатлар юзага келгани ҳақида бир томон иккинчи томонни дарҳол хабардор қилиши лозим.

4. Шартноманинг амал қилиш муддати

4.1. Шартнома имзоланган кунидан бошлаб, расмийлаштирилган обуна нашрлар тўлиқ олингунча амалда бўлади.
4.2. Шартнома ўзгартириш ва қўшимчалар, киритиш, бекор қилиш икки томонлама имзоланган қўшимча келишув асосида амалда оширилади.

5. Томонларнинг манзили ва ҳисоб рақами

«ТАЪМИНОТЧИ»

Нурабод почта алоқа
Томанотчи
№р 20210000500155266240
МФД 00939
ИИН 200833833
Миллий банк

[Signature]
[Signature]

Хуқуқшунос: _____

«ОБУНАЧИ»

Нурабод тўлов Ахборот-кўрсатувчи
Маркази
Нурабод м. А. Новаев З.У.И
№р. 160208601835702108134001
ИИН. 306701017
МФД 0014

Директор: [Signature] Нурабод
[Signature]

